

Президентлик сайловида фаластинлик номзод пешқадамлик қилмоқда



14:51 / 05.02.2019 2878

Сайлов Фаластинда эмас, Ал-Салвадорда бўлади. Бу ҳақда IQNA хабар берди.

Хабарда айтилишича, якшанба куни Марказий Америкадаги Ал-Салвадор республикасида президентлик сайловлари бўлиб ўтади. Сўнгги кузатувларга қараганда, мавжуд номзодлар орасида пойтахтнинг собиқ ҳокими, асли фаластинлик муҳожир Нақиб Букла ва маҳаллий бойлардан Карлос Калхас пешқадамлик қилмоқда. Бу иккисининг орасида эса энг ёш номзод, 37 ёшли Нақибнинг имкониятлари анча юқори, дейилади хабарда. Маълумки, аҳолиси 6,5 млн. бўлган Ал-Салвадор республикасида салкам 100 минг муҳожир фаластинлик истиқомат қилади.

Islom.uz портали таҳририяти